

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСИЛОВА ГУЛШАН АСАДОВНА**

**БОЖХОНА ВА СОЛИҚ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ  
ДАВЛАТ ТИЛИДА КАСБИЙ МУЛОҚОТ ЮРИТИШ  
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
(рус гуруҳларида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Асилова Гулшан Асадовна**

Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш (рус гуруҳларида)

..... 3

**Асилова Гулшан Асадовна**

Развитие компетенции профессионального общения на государственном языке студентов таможенного и налогового направлений (в группах с русским языком обучения) .....

31

**Asilova Gulshan Asadovna**

The development of professional communication competence in the state language of students on customs and tax directions (in groups with russian language of education) .....

59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АСИЛОВА ГУЛШАН АСАДОВНА**

**БОЖХОНА ВА СОЛИҚ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ  
ДАВЛАТ ТИЛИДА ҚАСБИЙ МУЛОҚОТ ЮРИТИШ  
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
(рус гуруҳларида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек тили)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Ped3 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мухитдинова Хадича Собировна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ахмедова Лайло Талибжановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Ойбек Сапорбоевич**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-80-86; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-76-87.

Диссертация автореферати 2017 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.С.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д.

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,  
доцент

**Б.С.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д.

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон педагогикасида таълимга компетент ёндашувнинг фаоллашиши олий таълимда бўлажак мутахассисларнинг касбий лаёқатини шакллантиришда коммуникатив компетенцияни ривожлантиришни, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида уларнинг соҳавий нутқини ҳам ўстириб боришни долзарб вазифалардан бирига айлантирди. Бугунги кун мутахассисининг халқаро стандартлар даражасига мос, компетентли ва рақобатбардошли бўлишида унинг иш фаолиятида самарали мулоқот юрита олиши муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган изчил ислохотлар давомида мамлакатимизда тил таълимига, хусусан, республикамизнинг давлат тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистонда яшайдиган турли миллат вакилларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиши, касбий фаолиятда муваффақиятга эришишида уларнинг давлат тилида самарали мулоқот юритиши, соҳавий-норматив ҳужжатлар билан ишлаш талабларини билиши ва тезкорлик билан бажара олиши муҳим ўрин тутди. 2017 йилнинг мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланиши ҳам давлат идоралари ходимларининг расмий мулоқот юритишига юқори талаблар қўйилаётганини тасдиқлайди. Бу борада ҳали камчиликлар талай бўлиб, хусусан, солиқ ва божхона ишига оид қонунчиликни ушбу тизимлар ходимлари томонидан фуқароларга тўғри тушунтириш ишлари етарли олиб борилмаётгани, мазкур соҳалар фаолиятида юритиладиган ҳужжатларни тузишда ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилмаслик ҳолатлари учраётгани, божхона ва солиқ ходимларининг фуқаролар билан давлат тилидаги расмий мулоқоти талаб даражасида эмаслиги муаммолигича қолмоқда.

Дунёнинг турли мамлакатларида божхона ва солиқ соҳаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш жараёнида мазкур йўналишларда ходимларга қўйиладиган талаблар, жумладан, уларнинг мамлакат ва чет эл фуқаролари билан давлат номидан иш кўриши, аҳолининг кўп сонли қатламлари билан мулоқот олиб бориши, расмий ҳужжатларни давлат тилида юритиши ва электрон ҳужжат айланишида бевосита иштирокига эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан божхона ва солиқ йўналишларида тил таълимини касбга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш, бўлажак мутахассисларнинг касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ва Божхона кодекслари ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини

янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Лингвистик компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Iowa State University (АҚШ), Ontario Institute for Studies in Education (Канада), University of Osijek (Хорватия), Palacký University Olomouc (Чехия), Shandong Economic University (Хитой), Россия божхона академияси (Россия Федерацияси), Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Тил таълимида касбий ҳамда мулоқот юритиш компетентлигининг турли жиҳатларини ривожлантириш борасида олиб борилган тадқиқотлар асосида мулоқот компетенциясини ривожлантириш бўйича қуйидаги илмий-амалий натижалар олинган: лингвистик компетенциянинг инсоннинг мулоқот ва фаолият амалиётидаги аҳамияти исботланган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); иккинчи тилни ўргатишда тестлардан фойдаланишга коммуникатив ёндашувнинг назарий асослари ишлаб чиқилган (Ontario Institute for Studies in Education, Канада); хорижий тилни (University of Osijek, Хорватия) ҳамда иккинчи тилни (Palacký University Olomouc, Чехия) ўрганиш жараёнида мулоқот компетенциясини шакллантириш моделлари яратилган; расмий тилда мулоқот юритишни инновацион педагогика ёрдамида ўргатиш методикаси ишлаб чиқилган (Iowa State University, АҚШ); хорижий тилларда мулоқот компетенциясини шакллантиришнинг назарий асослари ва тамойиллари аниқланган (Shandong Economic University, Хитой); бўлажак божхона ходимларининг билингвал компетенциясини шакллантириш модели ишлаб чиқилган (Россия божхона академияси, Россия Федерацияси); божхона ходимлари фаолияти жараёнидаги касбий муомаланинг психологик шарт-шароитлари аниқланган (Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон).

Жаҳон педагогикасида олий таълимда хусусий компетенцияларни ривожлантириш орқали бўлажак мутахассисларнинг касбий лаёқатини шакллантириш, тил таълимини касбга йўналтиришни тизимли тарзда ташкил

---

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.travisafrc.com/>; <https://www.friedrich-verlag.de/fileadmin/redaktion/sekundarstufe/>; <https://ru.scribd.com/document/106204902/What-is-Competence-Delamare-Winterton>; <https://e-koncept.ru/2014/14600.htm>; <https://www.degruyter.com/view/j/trp.2015.5.issue-1/trp-2015-0030/trp-2015-0030.xml> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

етиш, компьютер лингводидактикасини ривожлантириш, тил портфолиоси технологиясини таълимга татбиқ қилиш бўйича устувор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълимга компетент ёндашув, хусусан, тил таълимида компетенцияларни шакллантиришнинг назарий жиҳатлари N.Chomsky<sup>2</sup> асарларида таҳлил қилиниб, ушбу йўналишлардаги қатор тадқиқотларга йўл очиб берилди. Касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг эмпирик методологияси, уларни баҳолаш усуллари, уларни шакллантириш учун ўқув муҳитини яратиш масалалари G.Cheetham ва M.Daniels<sup>3</sup> томонидан ёритиб берилган. J.Jarmul, O.Миропольска, Tai Lee Ming, Siti Hafizah binti Daud<sup>4</sup> ўтказган тадқиқотлар натижасида божхона ходимларининг касбий компетенцияларини шакллантириш методлари ишлаб чиқилди, касбий тайёргарликка назарий ёндашувлар асослаб берилди; хизмат фаолияти шароитида божхона ходимларининг касбий компетентлигини шакллантириш модели яратилди; божхона ходимлари касбий компетентлигининг божхона хизмати фаолияти самарадорлигига таъсири исботланди; божхона ходимлари фаолиятининг психологик жиҳатлари таҳлил қилинди.

Хорижий (инглиз, немис, француз, рус) тилларни ўргатиш жараёнида нофилологик олий таълим муассасалари талабаларида касбий мулоқот юритиш кўникмаларини шакллантиришнинг турли жиҳатлари россиялик олимлар А.П.Петрова (1999), Л.В.Макар (2000), Л.В.Юхненко (2000), М.В.Дементьева (2001), Ю.В.Лопатина (2005), О.Ю.Иванова (2005)лар томонидан кенг тадқиқ қилинган. А.К.Крупченко (1999), А.А.Максимов (2001), М.А.Горячева (2003), А.А.Солопов (2005), Я.А.Погребная (2008), Е.Д.Балашова (2009), Р.И.Женжеруха (2011), С.А.Тарусина (2015)ларнинг ишларида божхона ва солиқ ходимларининг касбий мулоқоти масалалари ёритилган.

Давлат тилини турли таълим босқичларида ўқитиш муаммолари ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Л.Мирджалалова (2002), Ф.Кадилова (2006)лар мактабгача тарбия муассасаларининг рус гуруҳларида; Х.Асалов (1970), К.Ҳолиқбердиев (1971), Р.Юлдашев (1979), С.Назарова (1980), М.Рихсиева (1998), Ф.Умарова (1998), Г.Аҳророва (1999), Д.Тошхўжаева (2000), Г.Мухамеджанова (2003), Г.Аҳмедова (2007)лар

<sup>2</sup> Chomsky N. Syntactic Structures. – Mouton, 1957. – 117 p.; Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. – Cambridge, 1965. – 261 p.

<sup>3</sup> Cheetham G. The Acquisition of Professional Competence: Thesis submitted for the Degree of Doctor of Philosophy. – University of Sheffield, Division of Adult Continuing Education, England, 1999. – 380 p.; Daniels M. Developing and Assessing Professional Competencies: a Pipe Dream?: Dissertation for the Degree of Doctor of Philosophy. – Uppsala University, Sweden, 2011. – 108 p.

<sup>4</sup> Jarmul J. Wyższa Szkoła Ekonomiczna w Warszawie Szkołą Przyszłych Celników? // Monitor Prawa Celnego. – Polska, 2001: <http://www.monitorc.pl/roczniki/2001/>; Миропольска О. Формування професійної компетентності фахівців митних органів в умовах службової діяльності. – Хмельницький: Національна академія Державної прикордонної служби України імені Б.Хмельницького, 2010. – 22 с.; Tai Lee Ming. The influence of workers' competencies on job performance of royal Malaysian customs department. – Universiti Utara Malaysia, 2011. – 86p.; Siti Hafizah binti Daud. Motivation and job satisfaction among customs officers: a case study of Kuala Lumpur International Airport (KLIA): Kulliyah of Islamic Revealed Knowledge and Human Sciences. – International Islamic University Malaysia, 2012. – 98 p.

умумтаълим мактабларининг рус синфларида; М.Камалова (2006) академик лицейларнинг рус гуруҳларида; Н.Дадажоновна (1995), Г.Курбанова (2000), Л.Акрамова (2001), М.Қараходжаева (2002), С.Адилова (2004), М.Жўраев (2005), Н.Умарова (2007), Х.Мухитдинова (2011), Д.Фаттахова (2012)лар олий таълим муассасаларининг рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитиш масалаларини тадқиқ қилганлар.

Умумтаълим мактабларида давлат тилини ўқитишга доир тадқиқотларнинг аксарияти ўқувчиларга айрим грамматик категориялар, конструкцияларни ўргатиш, уларнинг нутқини сўз туркумлари ва сўз шакллари билан бойитишга бағишланган.

Олий таълим муассасаларида давлат тилини ўқитишга оид ишларда, жумладан, нофилологик йўналишлар талабаларининг умумий касбий нутқи устида ишлаш методларининг айрим жиҳатлари, шунингдек ўзбек тилини ўқитишда таълим босқичлари орасидаги узлуксизликни таъминлаш масалалари ёритиб берилган.

Тадқиқотлар таҳлили таълим жараёнида рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш махсус тадқиқот объекти бўлмаганлигини кўрсатди. Мазкур диссертацияда бўлажак божхона ва солиқ ходимларини давлат тилида оғзаки ва ёзма касбий мулоқот юритишга ўргатишга компетент ёндашувнинг лингводидактик, методик жиҳатларини ёритишда юқорида келтирилган тадқиқот ишлари эътиборга олинди ҳамда уларга муносабат билдирилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД–4 “Ёш авлодни тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида муносиб тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида юқори малакали, шунингдек бошқарув кадрларини тайёрлашни такомиллаштириш” (2012–2014), 561624–ЕРР–1–2015 “Ўзбекистонда олий таълим соҳасида таълимни интернационализация ва модернизация қилиш” (2015–2017) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасаларининг божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тил таълимига компетент ёндашув ва уни рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишда қўллашнинг лингводидактик асосларини такомиллаштириш;

божхона ва солиқ мутахассисларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенцияси таркибий қисмларини аниқлаш;

божхона ва солиқ йўналишлари учун ўзбек тили фанининг ўқув-дастурий таъминотида соҳавий терминларнинг ёритилиши ва ўргатилишини илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш;

божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларида касбий оғзаки мулоқот кўникмаларини ривожлантиришнинг самарали методларини ишлаб чиқиш;

божхона ва солиқ органлари фаолиятида давлат тилида юритиладиган соҳавий-меъёрий ҳужжатларни туркумлаштириш;

рус гуруҳлари талабаларига божхона ва солиқ соҳаларига оид ички меъёрий ҳужжатларни давлат тилида тузишни ўргатишнинг самарали методикасини ишлаб чиқиш;

божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенцияси ривожланганлиги кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш жараёни ҳамда шарт-шароитларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни божхона ва солиқ йўналишларида ўзбек тили таълимида рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантиришнинг самарали методлари ва шакллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, танқидий-қиёсий таҳлил, сўровнома ўтказиш, таснифлаш, тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, натижаларни умумлаштириш усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тил таълимига компетент ёндашув ва уни рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишда қўллашнинг лингводидактик асослари такомиллаштирилган;

божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг ўзбек тилида касбий мулоқот юритиш компетенцияси оғзаки ва ёзма, монологик ва диалогик нутқ турларига алоқадорлигига кўра компонентларга ажратилган;

божхона ва солиқ йўналишлари учун ўзбек тили фанининг ўқув-дастурий таъминотида соҳавий терминларнинг ёритилиши ҳамда ўргатилиши илмий-методик жиҳатдан такомиллаштирилган;

божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг касбий монологик ва диалогик нутқини ўстиришнинг уч босқичли тизими ишлаб чиқилган;

рус гуруҳлари талабаларига божхона ва солиқ соҳаларига оид ички меъёрий ҳужжатларни давлат тилида тузиш, тўлдириш ва расмийлаштиришни ўргатишнинг самарали методикаси ишлаб чиқилган;

божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясининг ривожланганлик кўрсаткичлари аниқланган ва баҳоланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Божхона иши” ҳамда “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналишларининг малака талаблари такомиллаштирилган;

Ўзбек тили фанидан нофилологик олий таълим муассасаларининг рус гуруҳлари учун ўқув дастурлари ва дарсликларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Божхона ва солиқ терминларининг рус тилидан ўзбек тилига ҳамда ўзбек тилидан рус тилига таржимасини қўллашга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилган;

Божхона ва солиқ соҳаларида қўлланадиган меъёрий ҳужжатларни давлат тилида тузиш, тўлдириш ҳамда расмийлаштиришга ўргатиш бўйича амалий-методик тавсиялар яратилган;

Ушбу йўналишлардаги соҳавий-меъёрий ҳужжатларнинг давлат тилида юритилишига оид электрон модуллар ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган;

Тадқиқот материалларидан божхона терминлари луғатларида, ўзбек тили фани бўйича ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалар ҳамда ўқув-методик таъминотда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган тизим, методика, баҳолаш мезонларидан олий таълимнинг нофилологик йўналишларида тил ўқитиш мазмуни ва методик асосларини такомиллаштириш, божхона ва солиқ соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, давлат тилини ўқитиш методикаси бўйича махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан олий таълимнинг нофилологик йўналишлари учун малака талаблари ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш, рус гуруҳлари учун ўзбек тилидан дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш, терминологик луғатлар тузиш, олий таълим муассасаларида иш юритиш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш бўйича олинган натижалар ва ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Божхона ва солиқ тизимларида қўлланадиган норматив ҳужжатларни давлат тилида тузиш, тўлдириш ҳамда расмийлаштиришга ўргатиш бўйича илмий-методик тавсиялар божхона соҳасига оид халқаро ҳужжатлар ҳамда битимларни таржима қилиш, божхона амалиётида норматив ҳужжатларни юритишга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 9 ноябрдаги 03-05/13-6553-сон маълумотномаси). Бу амалдаги соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат тилида тўғри

юритиш ҳамда электрон ҳужжат айланишини самарали амалга ошириш механизмини такомиллаштиришга имкон берган;

илмий-методик тавсиялардан “Божхона кўриги далолатномасини рўйхатга олиш ва тўлдириш тартиби”, “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”, “Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботларнинг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”, “Божхона юк декларациясини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш, уни қайта расмийлаштириш, қайтариб олиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом”, “Йўловчи боғхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарорлар, Давлат боғхона қўмитасининг “Божхона органлари томонидан аниқланган ҳуқубузарлик ҳолатлари бўйича тузиладиган процессуал ҳужжатлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида”, “Давлат боғхона хизмати органларида ички идоравий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат боғхона қўмитасининг 2016 йил 18 ноябрдаги 02-05/13-6798-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялардан солиқ органларининг таҳлил ва назорат ҳамда ташкилий-бошқарув фаолиятида фойдаланиш йўлга қўйилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 6 декабрдаги 16/1-28640-сон маълумотномаси). Уларнинг амалий қўлланиши молия ва давлат хизмати органларида солиқ тушумларини таҳлил қилиш, режалаштириш ҳамда прогнозлаштириш, давлат солиқ хизмати органларида жорий қилинган дастурий маҳсулларда ахборот-таҳлил ишларини олиб бориш, солиққа оид маълумотларнинг ягона компьютар базасини юритиш, солиқ тўловчиларга давлат тилида маълумотномалар бериш, юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солиш ҳамда солиқ қонунчилигининг бузилиши масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини, шикоят ҳамда аризаларини кўриб чиқиб, қонуний тартибда ҳал этишда хизмат қилган;

боғхона ва солиқ терминларининг таржимасига оид илмий-назарий ҳамда методик тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Боғхона кодексининг лойиҳасини тайёрлаш ҳамда уни таржима қилиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат боғхона қўмитасининг 2016 йил 9 ноябрдаги 03-05/13-6553-сон маълумотномаси). Шунингдек, улардан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Республика ахборот-маслаҳат маркази сайтининг материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 6 декабрдаги 16/1-28640-сон маълумотномаси). Бу солиқ соҳасига оид терминларнинг самарали таржима қилинишига асос бўлади;

рус гуруҳлари талабаларининг ўзбек тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш тизимидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сон буйруғи билан тасдиқланган “Боғхона иши” ва 5230800-Солиқлар ва солиққа тортиш бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини яратишда

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2016 йил 9 ноябрдаги 03-05/13-6552-сон ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2016 йил 6 декабрдаги 16/1-28640-сон маълумотномалари). Натижада мазкур йўналишлар талабалари томонидан “Ўзбек тили” фани бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларининг юқори бўлишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 номдаги илмий иш, шулардан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 266 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тил таълимида талабалар касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантиришнинг лингводидактик асослари”** деб номланган биринчи бобида педагогика ва тил ўқитиш методикасида таълимга компетент ёндашувга доир қарашлар, божхона ва солиқ соҳаларига оид касбий компетенциялар таҳлили амалга оширилган.


“Компетенция” термини тилшуносликда илк бор XX асрнинг 50–60-йилларида қўлланган ва инсоннинг бирор фаолиятни амалга ошириш лаёқатини билдирган. N.Chomsky, J.Raven, А.Зимняя, F.Delamare ва J.Winterton, Н.Мeyer ва А.Klapper, А.Хуторской ва бошқалар томонидан “компетенция” ва “компетентлик” тушунчаларига берилган таърифларда компетенция муайян фаолиятда талаб қилинадиган хулқ-атвор, ўзини тутиш, компетентлик эса ушбу талабга мослик даражаси, яъни компетенцияни намоёниш қилишнинг пировард натижаси деб талқин қилинади. Уларни умумлаштирган ҳолда, бугунги кунда таълим жараёнида фаол қўлланаётган ушбу тушунчаларни шарҳлашда қуйидаги хулосага келдик: *“Компетенция” – маълум бир соҳада фаолият юритиш жараёнида шахсий сифатлар ҳамда*

*билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланиши; “компетентлик” эса муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёқатдир.*

Таълимга компетент ёндашув талабаларда ҳосил бўлган компетенциялардан шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган турли вазиятларда самарали фойдаланишга ўргатишни кўзда тутди. Бунда кутилмаган ноаниқ, янги, муаммоли вазиятларга дуч келинганда тегишли билим, кўникма, малакалардан фойдалана олишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида унинг мазмуни ҳамда хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унга доир компетенциялар шакллантирилади. Касбий компетентлик муайян фаолиятни бевосита юритаётган мутахассисдагина намоён бўлади, бироқ унинг дастлабки шарт-шароитлари, асоси, замини ҳамда алоҳида жиҳатлари касбий таълим жараёнида шаклланади ва ривожланади. Хусусан, ахборот-маълумотлардан самарали фойдаланиб мулоқот юритиш учун ўз фикрини ўзгаларга керакли даражада тушунтира олиш, бошқаларнинг фикрини тушуниш, мунозарага киришиш лозим бўлиб, бу бўлажак мутахассиснинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришни талаб этади. Таянч компетенциялар таркибига коммуникатив компетенциянинг киритилгани шу билан изоҳланади.

*Коммуникатив компетенция* жамиятда инсонлар билан ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили, ўзи яшаётган давлатнинг расмий тили ва хорижий тилларда сўзлашиш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, саволни мантикий тўғри ифодалаш, берилган саволга мантиқли жавоб бериш, вазиятга мослаша олиш, мулоқот жараёнида муомала маданиятига амал қилиш, суҳбатдошининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қила билиш, суҳбатдошини ишонтира олиш, зиддиятли вазиятларда ўз ҳиссиётларини бошқара олиш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда самарали қарорларни қабул қила олиш каби кўплаб жиҳатларни қамраб олади. Бу эса тил таълимида коммуникатив компетенция *лингвистик, нутқий, ижтимоий-маданий, прагматик* компетенциялар орқали шакллантирилиши ҳақидаги хулосага олиб келади.

Компетент ёндашув тил таълимини талабанинг мутахассислиги билан узвий боғлаган ҳолда ташкил этишни талаб қилади. Маълумки, божхона ходимларининг компетентлиги асосан божхона расмийлаштируви ҳамда божхона назоратини амалга ошириш жараёнида, солиқ ходимларининг компетентлиги эса юридик ва жисмоний шахслар билан тушунтириш ишлари олиб боришда, иш ҳужжатларини тўғри расмийлаштиришда акс этади. Бу эса касбий мулоқотни юқори савияда юритиш талабларини қўяди. Шу билан бирга, ушбу соҳалар ходимларининг компетентлиги низоли вазиятлар юзага келганда тезкор ва самарали ҳаракат қилиш, бундай вазиятларнинг олдини олиш ва касбий мулоқот жараёнида улардан тўғри чиқиб кета олишни кўзда тутди. Ушбу жиҳатларга асосланиб, божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенцияси қўйидаги компонентларга ажратилди (1-расм).



**1-расм. Божхона ва солиқ йўналишларидаги олий таълим муассасалари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенцияси.**

Диссертациянинг “Давлат тили таълимида талабаларда касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати таҳлили” деб номланган иккинчи бобида олий таълим муассасаларининг рус гуруҳлари учун ўзбек тилидан ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, иқтисодий йўналишлардаги олий таълим муассасаларининг рус гуруҳларида ўзбек тили машғулотларини кузатиш, мустақил таълим мазмуни ҳамда профессор-ўқитувчилар орасида ўтказилган сўровнома натижалари келтирилган.

Рус гуруҳларида ўзбек тили фани бўйича бакалаврият йўналишлари учун намунавий дастур таҳлили ундаги 24 мавзудан фақат учтасидагина талабаларнинг бўлажак касбига у ёки бу даражада алоқадорлик мавжудлиги, бироқ ҳатто ушбу мавзулар доирасида ҳам касбга оид терминларни ўрганиш кўзда тутилмаганлигини кўрсатди. Шунингдек, олий таълимнинг иқтисодий йўналишлари учун ишчи ўқув дастурлари таҳлили натижасида уларнинг аксарияти умумий ўрта таълим ҳамда касб-ҳунар таълими босқичларида ўрганилган нутқий мавзулардан иборат эканлиги аниқланди. Хусусан, Жаҳон

иктисодиёти ва дипломатия университетининг ишчи ўқув дастурида 51 мавзудан бештаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг дастурида 24 мавзудан бештаси, Солиқ академиясининг дастурида 19 мавзудан учтасигина талабаларнинг бўлажак касбига алоқадордир. Айни вақтда, Тошкент молия институти ҳамда Олий ҳарбий божхона институтининг ўқув дастурларида касбга йўналтириш тамойилига амал қилинган бўлиб, уларда нутқий мавзуларнинг 50%дан ортиғи касбий-соҳавий мавзуларга бағишланган. Мазкур олий таълим муассасаларида танлов фанлари ҳисобидан рус гуруҳларида ўзбек тилини ўрганишга қўшимча соатлар ажратилган. Бу, биринчидан, фаннинг ўқув юкламасини сезиларли даражада ошириш; иккинчидан, ўзбек тилидан касбга йўналтирилган ўқув дастурини тузиш ва жорий қилиш; учинчидан, мутахассислик тилини ўргатиш бўйича қўшимча ўқув курсларини яратиш имконини берган.

Таҳлиллар олий таълим босқичида асосан умумий ўрта таълим ва касб-ҳунар таълимида ўзлаштирилган лексик ҳамда грамматик мавзуларнинг такрорланиши, соҳавий терминларга алоҳида ўрин ажратилмаганлигини кўрсатди. Бу олий таълим муассасалари учун асосан мутахассисликка оид терминологияни ўз ичига олувчи ўқув материални яратиш ва уни замонавий технологиялар ёрдамида тақдим этиш зарурлигини тасдиқлайди.

Бакалаврият йўналишлари учун тузилган ўзбек тили дарсликлари ҳамда ўқув қўлланмаларида ҳам ихтисосликка оид материалларнинг берилиши турлича эканлиги кузатилади. Намунавий дастурда ўзбек тилини касбга йўналтириш учун қўшимча фанлар жорий қилиш тавсия этилган бўлса-да, бугунги кунга келиб мутахассислик тилини ўргатиш бўйича биронта ҳам дарслик ёки ўқув қўлланма мавжуд эмас. Бу касб-ҳунар коллежлари учун ўзбек тилидан дарсликлар касбга йўналтирилган бўлиши, олий таълим муассасалари учун эса шу йўналишни *давом эттирадиган* дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратилиши зарурлигини кўрсатади.

Божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабалари учун яратиладиган ўзбек тили дарсликларида айнан шу соҳаларда қўлланадиган ҳужжатларни юритишга эътибор қаратиш лозим. Ҳозирги кунда амалиётга кирган ҳужжат юритишнинг электрон тизими эса ходимларнинг бу борада янада юқорироқ малакага эга бўлишини заруриятга айлантирди. Шу боис соҳада давлат тилида оғзаки ва ёзма мулоқот юритиши кўламини эътиборга олиб, айрим йўналишлар учун қўшимча соатлар ажратилиши бугунги кун талаби бўлиб қолмоқда.

Турли олий таълим муассасаларининг рус гуруҳларида ўтиладиган ўзбек тили дарсларини кузатиш уларнинг тўртта йўналишда ташкил қилинаётганини кўрсатди. Ушбу йўналишларнинг барчасида талабаларнинг бўлажак касбига оид терминларни тизимли равишда ўргатишнинг илмий асосланган методикаси мавжуд эмас. Шунингдек, божхона ва солиқ йўналишларидаги олий таълим муассасаларида айрим маъмурий ҳужжатларнинг намуналари берилиши, уларни тузиш кўникмаларини шакллантириш бўйича тизимли методиканинг йўқлиги ҳам аниқланди. Бу эса соҳавий-меъёрий ҳужжатлар билан самарали ишлашни ўргатиш учун

намунавий дастурни такомиллаштириш, давлат тилида соҳа ҳужжатларини ўргатишга қаратилган қўшимча ўқув фанларини жорий этиш зарурлигини тасдиқлайди.

Ўзбек тили фанига аксарият олий таълим муассасаларида таълимнинг 1-босқичида бир семестргина ажратилганлиги талабаларнинг фаол лексик минимумида соҳавий терминларнинг самарали қўлланишига эришиш имконини бермайди. Шу боис олий таълимнинг Давлат таълим стандартига мутахассислик тилини ўргатувчи ўқув фани киритилиши ҳамда мазкур фаннинг талабаларга мутахассислик фанлари билан танишганларидан сўнг, яъни юқорироқ босқичда ўқитилиши ўзбек тили таълимининг самарадорлигини оширади. Рус гуруҳларида ўзбек тили таълимининг касбий компетенцияларни шакллантиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, ўқув фанининг мантиқий ниҳояси сифатида олий таълим муассасаларининг намунавий ўқув режасига ҳамда фан бўйича намунавий ўқув дастурга Давлат аттестациясини қайтадан киритиш мақсадга мувофиқ.

**“Божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларини давлат тилида касбий мулоқотга ўргатишнинг илмий-назарий асослари”** деб аталган учинчи боб терминологик луғатларда божхона ва солиқ терминларининг ёритилиши, уларнинг таржимасидаги муаммолар, божхона ва солиқ ходимларининг касбий оғзаки мулоқоти ҳамда соҳавий-меъёрий ҳужжатларни ўзбек тилида расмийлаштириш хусусиятларига бағишланган.

Кейинги йилларда ўзбек тилидаги турли соҳаларга оид терминларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича қатор илмий-услубий ишлар юзага келди. Хусусан, ҳуқуқ, ҳарбий иш, иқтисодиёт, техника, тиббиёт, дипломатия, солиқ-божхона ва бошқа соҳаларнинг терминлари тадқиқ қилинди. Мамлакатимиз тараққиётида соҳа терминологиясининг шаклланиши учун юзага келган қулай шароит иқтисодий лексика таркибига кирувчи божхона ва солиқ терминларини мунтазам ривожланиб борувчи тизим асосида ўрганиш ва ўргатишни тақозо қилади. Бизнингча, иқтисодий йўналишларда, хусусан, божхона ва солиқ йўналишларида таълим олаётган талабалар нутқида касбга оид лексик билимларни, луғат захирасини шакллантиришга уларнинг касбий тайёргарлигига илова қилинадиган қўшимча сифатида эмас, касбий таълимнинг зарурий қисми сифатида қараш керак. Бугунги кунда ҳар қандай касбий фаолиятни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда тил таълимида касбий мулоқот юритиш лаёқатини шакллантириш талаби шуни тақозо қилади.

Замонавий ўзбек терминографиясининг тараққиёти XX асрнинг 20-йилларидан бошланган бўлиб, ҳозирги кунгача ўзбек тилида илм-фан ва техниканинг 50дан ортиқ турли соҳалари ва тармоқлари бўйича 250дан ортиқ терминологик луғатлар яратилган. Улар орасида божхона ва солиқ терминларининг бир нечта луғати ҳам мавжуд. Бироқ бугунги кунга қадар божхона ва солиқ терминларининг ўзбек тилидаги изоҳли луғати тузилмаганлигини таъкидлаш лозим. Бундай луғат нафақат талабалар, балки соҳа ходимлари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари,

умуман, иқтисодчи мутахассислар учун ниҳоятда зарур бўлиб, касбий мулоқотни самарали юритишга ёрдам беради.

Божхона ва солиқ соҳалари ходимларининг фаолияти ҳамкасблар билан бир қаторда, ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, касби, дини, феъл-атвори турлича бўлган кўплаб фуқаролар билан мулоқот юритишни тақозо этади. Шу боис мазкур соҳаларда ходимларнинг нутқ маданияти, мулоқот юритиш малакасини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириб боришга юқори талаблар қўйилади. Бу эса касбга йўналтирилган мулоқотга ўргатишнинг самарали усуллари ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бизнингча, бунда касбий лексика ва терминологияни ўрганишнинг ўзи етарли бўлмайди, улардан касбий мулоқот жараёнида тўғри фойдаланиш, ҳамкасблари ва атрофдагилар билан мақсадли мулоқот юритишни ўргатиш ниҳоятда зарур.

Олий таълимда рус гуруҳлари талабаларининг турли хил вазиятларда оғзаки касбий мулоқотни амалга ошириш лаёқатини ривожлантириш давлат тили таълимининг асосий мақсади бўлиши лозим. Бугунги кунда давлат тилини ўқитишда таълим методлари коммуникатив тамойил асосида оғзаки нутқнинг сўзлашув услубини ривожлантиришга қаратилгани ҳолда, ёзма нутқ билан узвий боғлиқ бўлган ва мутахассиснинг касбий лаёқатида муҳим ўрин тутадиган расмий оғзаки мулоқот турига етарли эътибор қаратилмаган. Рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишда диалогик нутққа кўпроқ эътибор қаратиб келинаётганини, монологик нутқ эса асосан мактаб, коллеж, олий таълим дарсликларига киритилган ижтимоий-сиёсий мавзулар доирасидагина шакллантирилаётганини таъкидлаш мумкин.

Касбий мулоқот кўникмаларини ҳосил қилишнинг турли усуллари оғзаки ва ёзма нутқни баробар ривожлантириш, пировардида касбий соҳада эркин оғзаки ва ёзма мулоқот қила олишга ёрдам бериши лозим. Ёзма нутқни давлат тилида юритиладиган соҳавий-меъёрий ҳужжатлар билан ишлашга ўргатиш воситасида ўстириш мумкин.


Божхона ва солиқ органлари ходимлари қонун ҳужжатларини фуқароларга тўғри тушунтириш, уларнинг ижросини ўз муддатида таъминлаш, иқтисодиётни ҳимоя қилиш борасида давлат ва жамият ўртасидаги асосий воситачилар сифатида фаолият юритадилар. Улар томонидан тузилган ва расмийлаштирилган ҳар бир ҳужжат мазкур фаолиятнинг сифати ҳамда самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган илмий-назарий таҳлиллар, шунингдек, кўп йиллик амалий тажрибалар асосида талабаларнинг ўзбек тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш учун таълим методикасини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил қилиш тўғрисидаги хулосага келинди:

- касбий мулоқот асосини ташкил қиладиган соҳавий терминларни талабаларнинг фаол лексикасига киритиш ва қўллашни ўргатишга эришиш;
- монологик ва диалогик нутқни ўстириш орқали талабаларнинг оғзаки ва ёзма касбий мулоқот юритиш кўникма-малакаларини ривожлантириш;

- талабаларни давлат тилида юритиладиган соҳавий-меъёрий ҳужжатларни мустақил равишда тузиш, тўлдириш ва расмийлаштиришга тайёрлаш.

Мазкур тамойиллар асосида тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш методикасини 2-расмда акс эттирдик.



**2-расм. Рус гуруҳлари талабаларининг ўзбек тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш методикаси.**

Ушбу методикага кўра, кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича таълим бериш алоҳида-алоҳида эмас, узвий ва бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бунда касбий мулоқот юритиш компетенциясини ташкил қилувчи компонентларнинг ҳосил бўлишини таъминлайдиган махсус машқ ҳамда топшириқлардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Диссертациянинг “**Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларини давлат тилида касбий мулоқотга ўргатиш методикаси**” деб номланган тўртинчи бобида ўзбек тили таълимида талабаларнинг фаол лексикасига соҳавий терминларни киритиш, уларнинг касбий диалогик ва монологик нутқини ўстириш, уларни соҳавий-меъёрий ҳужжатлар билан ишлашга ўргатишни босқичма-босқич амалга ошириш усуллари, шунингдек, дарсдан ташқари ишлар ва мустақил таълим воситасида касбий мулоқот компетенциясини ривожлантиришнинг самарали методлари берилган.

Талабаларни давлат тилида касбий мулоқот юритишга ўргатишда уларнинг соҳавий терминларни нутқда тўғри қўллашларига эришиш ниҳоятда муҳим. Шундан келиб чиққан ҳолда, соҳавий терминларни қўллаш кўникма-малакаларини ривожлантиришнинг уч босқичли тизимини ишлаб чиқдик. Ушбу тизим терминларни талабаларнинг нофаол лексикасидан фаол лексикасига босқичма-босқич киритиб боришга йўналтирилган бўлиб, илк босқичда талабанинг терминларни ўқитувчи ёрдамида ўзлаштириши, иккинчи босқичда нутқда мустақил қўллаш бошлаши, учинчи босқичда эса уларни нутқ жараёнида эркин қўллаш олиш кўникма-малакаларига эга бўлишини таъминлайди. Бунинг учун ҳар бир босқичда қўлланадиган, соддадан мураккабга қараб тузилган машқлар ва топшириқларни ишлаб чиқдик ҳамда уларни қуйидаги турларга ажратдик (3-расм):



**3-расм. Талабаларни соҳавий терминлар билан ишлашга ўргатишнинг уч босқичли тизими.**

Таклиф этилаётган тизим илк, ўрта ва юқори босқичлардан иборат бўлиб, қўлланадиган машқ ва топшириқлар бир бутун яхлитликни ҳосил қилиши керак. Маълумки, нутқнинг диалогик ва монологик шакллари мавжуд бўлиб, касбий мулоқот юритиш компетенциясининг қайд этилган компонентлари нутқнинг у ёки бу шаклида намоён бўлади. Тадқиқот ишида касбий монологик ва диалогик нутқни ўстириш ҳамда ривожлантириб боришда ҳам ушбу босқичли кетма-кетликка амал қилиш тавсия этилади. Шунинг назарга тўтган ҳолда тадқиқот жараёнида касбий монологик нутқни ўстиришнинг уч босқичли тизимини ишлаб чиқдик (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Касбий монологик нутқни ўстиришнинг уч босқичли тизими

Босқичлар	Машқ ва топшириқлар турлари	Ҳосил қилинадиган компетенциялар турлари
<b>А – илк босқич</b> (касбий нутққа тайёрлаш)	1. Берилган гапни тўлдириш. 2. Берилган гапни давом эттириш ва тугаллаш. 3. Нутқий қолиплар ёрдамида гап тузиш.	Ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда аниқ ҳамда мантикли ифодалаш компетенцияси  Ўз нуқтаи назари ва қарашларини асослаш компетенцияси
<b>Б – ўрта босқич</b> (касбий нутқкача бўлган жараён)	4. Берилган маълумотлар ёрдамида касбий мавзуга оид гаплар тузиш. 5. Тузилган гаплардан боғланишли матнни шакллантириш. 6. Схема асосида гаплар тузиш ва уларни кенгайтирган ҳолда матн шакллантириш.	
<b>В – юқори босқич</b> (касбий нутқ жараёни)	7. Расмдаги ёки ҳаётда мавжуд шахсни тасвирлаш. 8. Расмда акс этган ёки ҳаётда содир бўлган касбий вазиятни тасвирлаш. 9. Касбий вазият бўйича тугалланган матн тузиш.	

Божхона ва солиқ ходимларининг иш фаолиятида турли субъектлар билан касбий мулоқот юритишда монологик нутқнинг ҳам, диалогик нутқнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта. Нутқнинг бу икки тури бир-биридан ажралмаган ва бири иккинчисини тўлдирган ҳолда намоён бўлади, айти пайтда ходимнинг ўз касби соҳасидаги компетентлиги даражасини акс эттиради. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир машқ ва топшириқлар туркуми талабада қандай компетенцияни шакллантириб боришини кўрсатиб ўтилди.

Божхона ва солиқ соҳаларида касбий мулоқот жараёнининг кенг миқёслилиги ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, айнан шу йўналишларда талабаларнинг касбий диалогик нутқини ривожлантириш жараёнини ҳам урта босқичга ажратиш, ҳар бир босқичда қўлланадиган машқ ва топшириқлар турларини ишлаб чиқдик (2-жадвал).


## Касбий диалогик нутқни ўстиришнинг уч босқичли тизими

Босқичлар	Машқ ва топшириқлар турлари	Ҳосил қилинадиган компетенциялар турлари
<b>А – илк босқич</b> (намуна ёрдамида диалог тузишга ўргатиш)	1. Берилган диалогни ролларга бўлиб ўқиш. 2. Диалогни давом эттириш. 3. Диалогни тўлдириш. 4. Диалогни она тилидан ўзбек тилига таржима қилиш.	Икки томонлама ва кўп томонлама алоқа-муносабатлар ўрнатиш компетенцияси
<b>Б – ўрта босқич</b> (микродиалоглар ёрдамида диалогик нутқни ривожлантириш)	5. Таянч сўз ва сўз бирикмаларини кенгайтириб, касбий вазиятга мос диалог тузиш. 6. Таянч жумлалар ва нутқий қолиплар асосида касбий вазиятга мос диалог тузиш. 7. Диалог матни бўйича касбий вазиятни тасвирлаш. 8. Аудио- ёки видеоматериаллар воситасида акс эттирилган касбий вазиятга доир суҳбатни шарҳлаш. 9. Ўзининг мулоқот қила олиш лаёқатини баҳолаш ва шарҳлаш.	Самарали ахборот алмашиш компетенцияси  Музокаралар олиб бориш компетенцияси  Жамоада низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қила олиш компетенцияси
<b>В – юқори босқич</b> (полилогга қўшилиш ва мулоқот вазиятини бошқариш кўникма-малакаларини шакллантириш)	10. Ҳужжат матни асосида касбий вазиятга мос диалог тузиш. 11. Расмда тасвирланган касбий вазият асосида суҳбат матнини тузиш ва инсценировка қилиш. 12. Берилган касбий вазият бўйича полилогда иштирок этиш.	

Жадвалдан кўринадикки, касбий мулоқот юритишда диалогик нутқнинг ўрни катта, шунга мос равишда ҳосил қилинадиган компетенцияларнинг турлари ҳам кўп. Бу “мулоқот” сўзининг маъноси ва унинг камида 2 шахс ўртасида бориши билан асосланади. Бироқ бу ҳолат монологик нутқнинг аҳамиятини пасайтирмайди. Хусусан, касбий монологик нутқ мутахассиснинг касбий компетентлигини таъминлайдиган ва намоён қиладиган омил сифатида баҳоланади.

Божхона ва солиқ ходимларининг касбий фаолиятида ёзма нутқ кўникма-малакаларининг ҳам аҳамияти юқори эканлигини назарда тутган ҳолда, ўзбек тили машғулотида талабаларга касб соҳасида қўлланадиган расмий ҳужжатларни амалдагидек стихияли равишда эмас, тизимлаштирилган, соддадан мураккабга қараб борадиган тарзда ўргатиш мақсадга мувофиқ. Бунда аввало мутахассислик соҳасида қўлланадиган ички норматив ҳужжатларга урғу бериш, фақат маъмурий-идоравий ҳужжатлар билан чегараланиб қолмаслик керак.

Кузатишларимиз кўп ҳолларда узлуксиз таълим босқичларида фақат маъмурий ҳужжатларнинг айримларигина (ариза, таржимаи ҳол, тушунтириш хати, билдирги каби) такрор ва такрор ўтилаётганини, талабалар ички меъёрий ҳужжатлар ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмаслигини кўрсатди. Тадқиқот жараёнида бевосита касбий-соҳавий фаолиятда юритиладиган ҳужжатлар, шунингдек, соҳада қўлланишида ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиладиган маъмурий-идоравий ҳужжатларни қуйидаги туркумларга ажратдик ҳамда уларни ушбу туркумларга бўлиб ўргатишни тавсия қилдик (4-расм):



4-расм. Соҳавий-норматив ҳужжатларнинг таснифланиши.

Соҳавий-норматив ҳужжатлар билан ишлашни мазкур туркумлар бўйича амалга ошириш учун электрон ўқув модуллари ишлаб чиқилди. Ҳар бир модулда соҳавий ҳужжатларнинг турлари, реквизитлари, уларни тўлдириш хусусиятлари, уларнинг схематик шакллари; ҳужжатларда қўлланадиган нутқий қолиплар, ҳужжат матнларининг лексик ва синтактик хусусиятлари акс эттирилди. Шунингдек, ўқув материали талабалар томонидан ўзлаштирилишининг қуйидаги кўрсаткичлари белгилаб олинди:

- ҳужжатларнинг туркумлари, турлари, шакллари ва кўринишлари, уларнинг тузилиши ва асосий лексик бирликлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш;

- ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари, зарурий қисмларининг кетма-кетлиги, ўхшаш жиҳатлари ва бир-биридан фарқлари асосида уларни тавсифлаш ва таҳлил қилиш;

- ҳужжатларнинг ўрганилган намуналари ёки нусхаларини уларнинг шаблон чизмалари, яъни зарурий қисмлари асосида мустақил равишда тузиш ёки тўлдириш;

- ҳужжатни мустақил равишда тузиш, бунда ҳужжатга қўйиладиган талаблар доирасидан чиқмаган ҳолда мустақил фикрлаш, ҳужжатни яратиш жараёнига ижодий ёндашиб, уни такомиллаштиришга ҳисса қўшиш.

Тадқиқот ишининг мазкур бобида дарсдан ташқари ишлар ва мустақил таълимни ташкил этиш, уларнинг мазмуни ҳамда ўтказилиш шакллари бўйича ҳам тавсиялар берилди. Дарс жараёнида ўқитувчининг кўмагида ва талабаларнинг мустақил ишлашлари асосида ўтказиладиган иш турларининг ўзи касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш учун етарли бўлмайди. Шу боис бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда айнан касбий мулоқотга ўргатишга йўналтирилган тўғарак машғулотларини ташкил этиш, музейларга, бўлажак иш жойларига экскурсиялар уюштириш, мураббий соатларида касбий мулоқотга бағишланган суҳбатлар ўтказиш, ўқув амалиёти жараёнида талабаларнинг оғзаки ва ёзма касбий мулоқот юритиш кўникма-малакаларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

**“Божхона ва солиқ йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобда тажриба-синов ишларининг натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқот иши бўйича олиб борилган назарий-методик таҳлиллар, унда таклиф қилинган божхона ва солиқ йўналишлари рус гуруҳлари талабаларининг ўзбек тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш бўйича методиканинг самарадорлиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги 2008–2016 йилларда Тошкент молия институти ва Солиқ академиясининг “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналишида ҳамда Олий ҳарбий божхона институтининг “Божхона иши” йўналишида тажриба-синовдан ўтказилди. Мазкур олий таълим муассасаларида ўзбек тили фанини ўқитишнинг давомийлиги турлича эканлигини ҳисобга олиб, тажриба-синов ишларига жалб қилинган талабалар учун бир хил шарт-шароит яратиш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳлари сифатида рус тилида таълим оладиган 1-босқич талабалари танлаб олинди. Тажриба-синов ишларига ушбу

олий таълим муассасаларининг 8 нафар профессор-ўқитувчилари ҳамда 394 нафар талабаси жалб этилди.

Тажриба-синов ишларининг таъкидловчи босқичида талабаларни назорат ва тажриба гуруҳларига ажратиш ҳамда уларда касбий мулоқот юритиш компетенцияси ривожланганлигининг мавжуд ҳолатини аниқлаш мақсадида қуйидаги топшириқлардан иборат назорат иши ўтказилди:

1. Талабаларнинг соҳавий терминларга оид билимлари, уларни айрим ҳолда ва сўз бирикмалари таркибида нутқда қўллай олиш кўникмаларини аниқлашга қаратилган топшириқлар (2 балл).

2. Талабаларнинг касбий мавзуда оғзаки диалогик ва монологик нутқи қай даражада ривожланганлиги, касбий мулоқот юритиш ҳамда боғланишли матн тузиш малака-кўникмаларини аниқлашга қаратилган топшириқлар (4 балл).

3. Талабаларнинг иш юритиш ҳужжатларини мустақил равишда тузиш кўникма-малакаларини аниқлашга қаратилган топшириқлар (4 балл).

